

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МИРЗОЕВА МЕХРИНИСО РИЗОЕВНА

**ТЕРИ ДИСХРОМИЯСИ ТАШХИСЛАНГАН БЕМОРЛАРДА КЛИНИК-
ПАТОГЕНЕТИК ВА ДАВОЛАШ ЖИҲАТЛАРИ ШАКЛЛАНИШИДА
ИЧАК ПАРАЗИТОЗЛАРИНИНГ ЎРНИ**

**14.00.10-Юқумли касалликлар
14.00.11-Дерматология ва венерология**

**тиббиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of dissertation Doctor of Sciences (DSc)

Мирзоева Меҳринисо Ризоевна

Тери дисхромияси ташхисланган беморларда
клиник- патогенетик ва даволаш жиҳатлари
шаклланишида ичак паразитозларининг ўрни..... 3

Мирзоева Меҳринисо Ризоевна

Роль кишечных паразитов в формировании
клинико-патогенетических и терапевтических
аспектов у больных дисхромией кожи..... 27

Mirzoeva Mehriniso Rizoevna

The role of intestinal parasites in the formation
clinical, pathogenetic and therapeutic
aspects in patients with skin dyschromia..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МИРЗОЕВА МЕХРИНИСО РИЗОЕВНА

**ТЕРИ ДИСХРОМИЯСИ ТАШХИСЛАНГАН БЕМОРЛАРДА КЛИНИК-
ПАТОГЕНЕТИК ВА ДАВОЛАШ ЖИҲАТЛАРИ ШАКЛЛАНИШИДА
ИЧАК ПАРАЗИТОЗЛАРИНИНГ ЎРНИ**

**14.00.10-Юқумли касалликлар
14.00.11-Дерматология ва венерология**

**тиббиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/Tib511 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институти, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Таджиев Ботир Мирхашимович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Мавлянова Шахноза Закировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ибадова Гулнара Алиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ахмедова Муборахон Джалиловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ҳантов Қахрамон Нажмитдинович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етақчи ташкилот:

АЖ «Жанубий Қозоғистон тиббиёт академияси»

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «15» март куни соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (39 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2022 йил « 2 » март куни тарқатилди.
(2022 йил « 2 » март даги 3 рақамли рестр баённомаси).



Л. Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н. У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Н.С. Атабеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда тери дисхромияси бир қанча касалликларни ўз ичига олиб, болалар ва ўспиринларни шикастловчи гипопигментознинг яхши сифатли шакли учрайди, яъни, Pityriasis albанинг (РА) эпидемиология таҳлилида ичак паразитларидан юқори даражада касалланиш характеридаги субтропик ва тропик иқлимга эга давлатларда кенг тарқалганлиги диққатни тортади. РА беморларининг ичак паразитлари билан касалланиши беморлар иммун статуси ва ичак микробиоценози каби маълумотлар етарли эмас. ЖССТ маълумотларига кўра, «...паразитар касалликлар кўп жиҳатдан тозалikka рия килмаслик, сифатсиз тайёрланган озиқ-овқатлар истеъмол қилиниши ва мулоқотда юқадиган паразитозларнинг кўплиги натижасида витамин Д, микроэлементлар етишмовчилиги ичак микробиотаси бузилиши тери дисхромиясининг келиб чиқишига боғлиқ бўлади»¹. Шу сабабли, тери дисхромияси ташхисланган беморларда клиник-патогенетик ва даволаш жиҳатлари шаклланишида ичак паразитозларининг асоратлар хавф омилларни самарали даволашни такомиллаштириш замонавий инфектологиянинг энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда тери дисхромияси ташхисланган беморларда клиник-патогенетик ва даволаш жиҳатлари шаклланишида ичак паразитозларининг даволашни такомиллаштириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада тери дисхромияси ташхисланган беморларда оддий патоген ва гельминтлар билан инфекцияланишни, беморлар этиопатогенезида унинг компонентлари иштироки билан ичак протистофаунаси тузилишини, Pityriasis alba беморлари тери колонизациясини *Malassezia spp.* ва *Staphylococcus spp.*, ичак паразитлари ва уларсиз тери дисхромияси аниқланган беморларда гуморал иммунитет ҳолати зардобли IgM, IgG, IgA, IgE даражаси ва Д витамини етишмовчилигини ичак паразитлари билан инфекцияланган Pityriasis alba беморларида этиопатогенетик терапиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш билан биргаликда, юқумли касалликларнинг асоратларини камайтиришга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. Бу борада, «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, ташхис кўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ҳамда касалликларни олдини олиш»² каби вазифалари белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда тери дисхромияси ташхисланган беморларда клиник-патогенетик ва даволаш жиҳатлари

¹ Usenko D. V. Ploskireva A. A., Gorelov A. V. Diagnosis and treatment of acute intestinal infection in childhood. *Pediatrician practice // Current Pediatrics*. – 2018. – №3. – P. 12-20.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

шаклланишида ичак паразитозларининг даволашни такомиллаштиришга қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Тери дисхромияси ташхисланган беморларда клиник-патогенетик ва даволаш жиҳатлари шаклланишида ичак паразитозларининг ўрнини асослашга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of California, University of Oklahoma, Yale University, George Washington University, University of California Berkeley (АҚШ), Columbia University (АҚШ); (University of Helsinki, Финляндия); University of Genoa, University of Messina (Италия); Pomeranian Medical University (Польша); University of Québec (Канада), National Institute, Turku University, University Osmangazi, Туркия); University of Medical Sciences (Эрон); Deakin University (Австралия); Roseman University of Health Sciences (АҚШ), University of Catania (Италия), University of Oslo (Норвегия), Bambodino Paediatric Dental Clinic (Голландия), An-Najah National University (Фаластин), Umeå University (Швеция); University of Glasgow United Kingdom (Шотландия); Jiroft University of Medical Sciences Iran (эрон); Université de Strasbourg (Франция); Rush University (USA); Boston University (USA) ларда олиб борилмоқда.

Тери дисхромияси ташхисланган беморларда клиник-патогенетик ва даволаш жиҳатлари шаклланишида ичак паразитозларининг ўрнини оптималлаштиришга қартилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган ҳамда тери касалликлари дери дисхромияси асоратлари ўртасидаги корреяцион боғлиқлиги

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.roseman.edu, www.delamed.org, www.berkeley.edu, www.columbia.edu, www.unict.it, www.uio.no, www.najah.edu, www.mahsa.edu.my, www.cgu.edu.tw, www.uv.es, www.unav.edu, www.aegean.gr, www.rivm.nl, www.utm.my, www.sibs.cas.cn, www.wit.edu.cn, www.unimelb.edu.au, www.yonsei.ac.kr, www.hi.is, www.miun.se, www.bristol.ac.uk, www.keele.ac.uk, www.ujaen.es, www.ucsc.edu, www.umontreal.ca, www.ucd.ie, www.taibahu.edu.sa, www.sysin.ru, www.uefs.br, www.toko.edu.tw, tu-dresden.de, www.ui.ac.id, www.scemz.ru; www.universityofcalifornia.edu; www.vanderbilt.edu; www.rutgers.edu; www.ouhsc.edu; www.umich.edu; www.gla.ac.uk; www.tamuk.edu; www.osaka-u.ac.jp; <https://journal.jmu.ac.ir>; www.unistra.fr; www.rushu.rush.edu; www.bu.edu; ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

исботланган University of Catania, Италия); Blastocystis sp., Giardia sp., Cryptosporidium sp., Trichuris sp., Entamoeba histolytica, Nippostrongylus brasiliensis, Heligmosomoides polygyrus ошқозон ичак тизимидаги паразитларнинг ичакнинг апоптоз тизимида таъсир механизми исботланган (University of Pomeranian Medical, Польша) ОАТР 2Б1 овқат кўшимчаларининг ичак ингибитори сифатидаги дори воситаси ўрнидаги вазифаси исботланган (University of Helsinki, Финляндия); болалар ва ўсмирлар орасида ишлатиладиган овқат кўшимчаларининг атопик дерматитларининг ривожланишидаги ўрни ва хусусиятлари очиқ берилган (University Osmangazi, Туркия); тери дисхромияси ташхисланган беморларда клиник-патогенетик ва даволаш жиҳатлари шаклланишида ичак паразитозларининг ўрнини асосланган (Бухоро Давлат тиббиёт институти, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон).

Дунёда тери дисхромияси ташхисланган беморларда клиник-патогенетик ва даволаш жиҳатлари шаклланишида ичак паразитозларининг ўрнини оптималлаштиришга бўйича қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: тери дисхромияси ташхисланган пациентларда патоген ва паразитозлар билан коррекцияланишини асослаш; Pityriasis alba ташхисланган беморлар тери колонизациясини *Malassezia spp.* ва *Staphylococcus spp.* ўрни ва аҳамиятини асослаш; ичак паразитларисиз тери дисхромияси ташхисланган беморларда гуморал иммунитет ҳолати зардобда IgM, IgG, IgA, IgE даражаси ва витамин етишмаслик ҳолатини баҳолашни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда тери пигментациясининг йўқолиши билан кечувчи дерматоз этиопатогенезида ичаклар эукаритининг аҳамиятини ўрганишди. Гельментларнинг гигиеник гипотези ёки уларнинг ҳаёт фаолияти маҳсулотлари иммун жавоб реакциясини моделлайди ва яллиғланиш жараёни жадаллашуви аллергизацияни пасайтиради (Strachan, 1989; Maizels RM, McSorley HJ., 2016). Инсонларда РА нинг оддийгина кечиши ва гельминтлар таъсири, шунингдек кутилиши мумкин бўлган этиопатогенетик механизмлар ҳақидаги маълумотлар мавжуд эмас. Гипопигментация ривожланиши билан ичак паразитларининг бирикиши ҳақида тадқиқотлар ҳам йўқ. Атопик дерматитга хос ўзгаришлар кузатилган РА беморларида гипопигментация худудининг гистологик кўринишида ўхшашлик борлиги ҳақида ягона маълумот мавжуд (Givler 2020). Таъкидланишича, РА этиологияси ҳақида тадқиқотлар ўтказилмаган, фармакотерапия, асосан кальцетривин ингибиторларини ўз ичига олади. Атопик дерматит кузатилган беморларда РА ривожланишини кўрсатувчи ҳолатлар ҳақида мисоллар келтирилган (Miazek et al., 2015). Шу билан бирга РА беморларида ўткир аллергик реакция ва сурункали аллергик касалликларда атопиянинг марказий ўриндаги зардобга ўхшаш IgE даражасини баҳолаш материаллари етарли эмас. (Navines-Ferrer et al., 2016). Ичак протистофаунларининг тузилиши ва ўрни ҳақидаги тадқиқотлар бактериял микрофлоралардан фарқли ўлароқ умуман йўқ ва *Blastocystis sp.*,

Entamoeba coli, *Entamoeba dispar*, *Endolimax nana*, *Chilomastix mesnili*, *Jodamoeba butschlii* нинг ўрни, жумладан дисхромияда ҳам ноаниқлигича қолмоқда (Lukes J et al., 2015). Д витамини суякларда минерал алмашинуви ва суяк-мушак тизими ҳолатининг регулятори сифатида маълум. Кейинчалик аниқланишича, минерал гомеотаздан ташқари Д витамини танқислиги инфекцияси, аутоиммун ва аллергия касалликларни ўз ичига олган патологик ҳолатлар билан бир қаторда бирикади (Mesquita Kde et al., 2013; Vestita et al., 2015; Han et al., 2015; Bergler-Czop and Brzezinska-Wcislo, 2016; Karagun et al., 2016;). РА беморларида Д витаминининг даражаси ҳақида маълумот йўқ.

Ўзбекистонда турли юқумли касалликларни олдини олиш ва ташхислаш ва самарали даволаш борасида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда (Б.М.Таджиев, 2009, 2018; Т.А. Даминов, 2017, 2020; Ф.И. Иноятова, 2020; Л.Н.Туйчиев, 2019, 2020; М.Д. Ахмедова, 2020), бироқ, тери дисхромияси ташхисланган беморларда клиник-патогенетик ва даволаш жиҳатлари ўрни асосланмаган.

Шу билан бирга тери дисхромияси ривожланишига таъсир қилувчи омилларни эрта ташхислаш, этиопатогенез таҳлили асосида баҳолаш ва даволашни такомиллаштириш, иммунологик маркерлар ёрдамида асоратлар ривожланишидан огоҳлантириш, ичакка макро- ва микробиотиклар таъсири, тери дисхромияси ривожланишига Д витаминининг даражасини баҳолаш ва даволашнинг замонавий тизими ишлаб чиқилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлари илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот режаларига мувофиқ ФЗ-2019121819 «Болаларда аллергия касалликларда иммунологик ўзгаришларнинг асосида индивидуал даволаш тартибини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган (2019-2021 йй.)

Тадқиқотнинг мақсади тери дисхромияси ташхисланган беморларда клиник–патогенетик ва терапевтик томонларининг шаклланишида ичак паразитларининг ўрнини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тери дисхромияси ташхисланган беморларда оддий патоген ва гельминтлар билан инфекцияланишни тавсифлаш;

тери дисхромияси аниқланган беморлар этиопатогенезида унинг компонентлари иштироки билан ичак протистофаунаси тузилишини баҳолаш;

Pityriasis alba ташхисланган беморлар тери колонизациясини *Malassezia spp.* ва *Staphylococcus spp.* баҳолаш;

ичак паразитлари ва уларсиз тери дисхромияси ташхисланган беморларда гуморал иммунитет ҳолати зардобли IgM, IgG, IgA, IgE даражаси ва Д витамини танқислиги бартараф этиш самарадорлигини баҳолаш билан РА беморларида Д витамини даражасини баҳолаш;

Pityriasis alba билан беморларда эндоген интоксикация даражасини баҳолаш;

ичак паразитлари билан инфекцияланган *Pityriasis alba* беморларида этиопатогенетик терапия усулларини ишлаб чиқиш ва самарадорликни баҳолаш учун кузатиш муддатини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро Давлат тиббиёт институти, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлари илмий-амалий тиббиёт марказ 2016-2021 йиллар давомида даволанишгача мурожаат қилган 180 нафар беморлар, таққослаш гуруҳига витилиго билан хасталанган 30 нафар бемор ва *Pityriasis versicolor* ташхисланган 20 нафар бемор, назорат гуруҳини эса ўткир ва сурункали касалликлардан ҳеч қандай шикоят қилмаган 100 нафар соғлом одамлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тери дисхромияси ташхисланган беморларда клиник-патогенетик ва даволаш жиҳатлари шаклланишида ичак паразитозларининг ўрнини нажас намуналари, иммун статуснинг асосий кўрсаткичларини баҳолаш учун текширилаётганларнинг қон намуналаридан, терининг микробиологик таҳлили ҳар хил ҳудудларидан олинган озуқа суюқлигида эритилган қаттиқ юза микрофлора намуналари (гипо- ва меъёрий пигментация) материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тери дисхромияси ташхисланган беморларда клиник-патогенетик даволаш жиҳатлари шаклланишида ичак паразитозларининг ўрнини асослашда клиник, паразитологик, иммунологик, микробиологик, лаборатор, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Pityriasis alba беморларида гипопигментация жараёнида кўшимча триггерлар сингари *Ascaris lumbricoides*, *Enterobius vermicularis*, *Hymenolepis nana* ва *Giardia lamblia* ичак паразитларининг аҳамияти асосланган;

Pityriasis alba этиопатогенезида иштирок этувчи компонентлар идентификацияси билан дисхромия кузатилган беморларда ичак протистофауна тузилиши, уларни эрадикация қилишга қаратилган даволаш самарадорлиги исботланган;

Pityriasis alba беморлари ичагининг макро- ва микробиотик тузилишида ташхисланган негатив ўзгаришлар, шунингдек, иммунологик кўрсаткичлар ўзариши ҳамда хасталикда холикальцеферол етишмовчилиги доминантлиги асосида уларни тузатиш тартиби исботланган;

Pityriasis alba этиопатогенезнинг мультифакторли характери белгиланган ҳамда *Pityriasis albani* даволашда паразитларга қарши терапиянинг юқори самарадорлиги исботланган;

ичак паразитлари ва уларсиз тери дисхромияси ташхисланган беморларда гуморал иммунитет ҳолати зардобли IgM, IgG, IgA, IgE даражаси ва холикальцеферол танқислигини бартараф этиш самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Pityriasis albанинг IgE-ассоцияланган касалликларга тааллуқли эканлиги баҳоланган;

Pityriasis alba беморларининг гуморал кўрсаткичларида ичак паразитларидан инфекцияланишга боғлиқлиги;

Pityriasis alba беморларида ичак паразитлари билан инфекцияланишига боғлиқликда цитокин профили хусусиятлари баҳоланган;

Pityriasis alba кечишида Д витамини танқислиги/етишмовчилигини коррекция қилишга ижобий таъсири баҳоланган;

Pityriasis alba этиопатогенезида *Malassezia spp.* ва *Staphylococcus spp.*нинг клиник ахамиятга эга эмаслиги баҳоланган;

гипопигментоз ифодаланишида апробацияланган усуллар таъсирининг самарадорлиги асосида Pityriasis alba беморларини текшириш ва даволаш алгоритми кўрсатиб берилган;

бластоцист инфекция интенсивлигини аниқ баҳолашга имкон берувчи, паразитлар аниқланишини оширувчи уч мартали копроскопия усули билан паразитологик ташхисоти таклиф қилинган;

олти ҳафта мобайнида даволаш самарадорлигини баҳолаш билан паразитларга қарши терапия курслари ташхисланган;

дисхромия ташхисланган беморларда Д витамини даражаси ва танқислиги коррекция курси белгиланган;

даволашнинг юқорида санаб ўтилган усулларининг самарадорлиги кузатилмаганида иммунсупрессор фаоллиги билан анъанавий дори воситаларини қўллаш тавсия берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллари, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган сўровнома, лаборатор, биокимёвий ва статистик тадқиқот усуллари асосида тери дисхромияси ташхисланган беморларда клиник-патогенетик даволаш жиҳатлари шаклланишида ичак паразитозларининг ўрнининг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий ахамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий ахамияти терининг дисхромиясининг бошқа касалликлардан фарқли ўлароқ, Pityriasis alba этиопатогенезида оддий патоген ва ичак гельминтларининг ўрнини, Pityriasis albани даволашда паразитларга қарши терапия самарадорлигини, Pityriasis alba беморлари иммун статусини, Pityriasis alba IgE-ассоциацияланган касаллик ҳисобланиши, Pityriasis albанинг клиник яхшиланиши умумий зардобли IgE даражасининг пасайиши, Д витамини танқислигини, *Malassezia spp.* ва *Staphylococcus sp* тери колонизация ассоциациясининг мавжуд эмаслиги, Pityriasis albани даволаш усулларини оммали қўллаш ишлаб чиқиш учун асос бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти даволаш ва текширишда тавсия қилинган алгоритм оддий усуллардан (паразитологик текширув) ва унча қиммат бўлмаган дори воситаларидан (антипаразитар терапия) фойдаланиш, касалликни эрта босқичларида гипопигментация жараёни триггерини ташхислаш ҳамда Pityriasis albani даволашда ижобий натижаларга эришишни таъминлаш, кейинги босқич Д витамини даражасини, Д витамини етишмовчилигини, дастлабки икки босқич натижалари мавжуд бўлмаганда умумий IgE даражасини ҳамда IgE даражасини камайишига сабаб бўлувчи терапияни қўллаш тавсия қилиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тери дисхромияси ташхисланган беморларда клиник-патогенетик ва даволаш жиҳатлари шаклланишида ичак паразитозларининг ўрнини бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тери дисхромияси ташхисланган беморларда лямблиозни ташхислаш ва даволашдан олинган натижалар бўйича «Pityriasis albani даволашда лямблиоз касаллигини ташхислаш ва самарали даволаш усуларини баҳолаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 05 мартдаги 8-н-р/180-сон маълумотномаси). Натижада Pityriasis alba касаллигини ташхислаш ва даволаш тактикасини танлашда лямблиоз касаллигини самарали даволаш тартибини танлаш имконини берган;

тери дисхромияси ташхисланган беморларда ичак паразитозларининг ташхислаш натижасида «Pityriasis alba ва паразитларни ташхислаш усулларида гижжаларга қарши дори воситаларни қўллаш тартиби» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 05 мартдаги 8-н-р/181-сон маълумотномаси). Натижада Pityriasis alba ва паразитларни ташхислаш орқали уларга қарши дори воситаларини танлаш ва самарали даволаш тартибини танлаш имконини берган;

Pityriasis alba касаллигида Д витамини етишмаслигини даволаш бўйича «Pityriasis albani касаллигида Д витамини етишмаслигини корекциялаш самарадорлиги» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 04 июндаги 8-н-р/2021-сон маълумотномаси). Натижада Pityriasis alba касаллигининг ривожланишида организмдаги Д витаминининг етишмаслигини олдини олиш орқали касалликни самарали даволаш тартибини танлаш имконини берган;

тери дисхромияси ташхисланган беморларда клиник-патогенетик ва даволаш жиҳатлари шаклланишида ичак паразитозларининг ўрнини асослаш натижалари соғлиқни сақлаш тизими, жумладан Л.М. Исаев номидаги паразитология илмий текшириш институти клиникасига, Бухоро вилояти дерматовенерология диспансерига, Бухоро вилояти юқумли касалликлари шифохонаси, Вобкент тумани тиббиёт бирлашмаси шифохоналарнинг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2021 йил 25 августдаги 8н-з/286-сон маълумотномаси), (Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2021 йил 20 декабрдаги 08-09/20118-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши тери дисхромия билан Pityriasis

alba ташхисланган беморларда клиник-патогенетик жиҳатлари шаклланишида ичак паразитозларининг ўрнини беморларда Д витамин танқислигини олдини олиш, даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш ҳамда беморлар ҳаёт тарзини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 9 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 179 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазибалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тери дисхромияси ташхисланган беморларда клиник- патогенетик ва даволаш жиҳатлари шаклланишида ичак паразитозларининг даволашнинг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи боби ўрганилаётган муаммо бўйича хорижий ва маҳаллий илмий манбалар таҳлиliga бағишланган бўлиб, аҳоли орасида тарқалган паразитар касалликларни тарқалиши унинг оқибатида терида келиб чиқадиган гипопигментацияларни ортиши ва РА уларни пайдо бўлиш сабаблари ичакдаги ўзгаришлари микроэлементлар витамин етишмовчиликлари биологик аҳамияти унинг юқумли касалликлар кўпайиши омиллари муаммолари тўғрисидаги охириги йиллар манбалари шарҳи келтирилган. Муаммонинг ҳал қилинмаган ва ҳал қилиниши зарур бўлган камчилик ва афзалликлари ёритилган.

Диссертациянинг «**Тери дисхромияси ташхисланган беморларда клиник-патогенетик ва даволаш жиҳатлари шаклланишида ичак паразитозларининг даволаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг объекти ва предмети, шунингдек қўлланилган усуллар ёритиб берилган. деб номланган бобида текширилаётган ва назорат

гуруҳи беморларининг тавсифи ҳамда тадқиқотда қўлланилган усуллар келтирилган. 330 нафар беморлар текширилган, уларнинг 180 нафари РА, 20 нафари РV ва 30 нафари витилигога чалинган беморлар бўлиб, улар консерватив терапиягача Бухоро тиббиёт институти шифохонаси ҳамда Республика эпидемиология, микробиология, инфекция ва паразитар касалликларга ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказга мурожаат қилишган; назорат гуруҳини ҳеч қандай ошқозон ичак тракти, ҳеч қандай тери касалликлари, шунингдек, сурункали касалликлар (вирусли гепатит, ОИВ-инфекцияси, туберкулез, ўпканинг сурункали обструктив касалликлари)дан шикоят қилмаган 100 нафар соғлом пациентлар ташкил қилди, улар диспансеризация вақтида режали тиббий кўрув учун Республика ихтисослаштирилган, эпидемиология, микробиология инфекция ва паразитар касалликлар ва Бухоро вилоят юкумли касалликлар касалхонасининг маслаҳат-диспансер бўлимига мурожаат қилишган. Қиёсланаётган ва назорат гуруҳининг ёш ҳамда жинс тузилиши бир хил бўлган.

Паразитологик ташхисот 3 мартали копроскопия усули билан амалга оширилди. Турдиев консервантига 2-4 кун оралиғида нажас намуналари тўпланди. Паразитлар кузатилмаган вақтларда паразитларни 2 марта аниқлаш самарадорлигини оширувчи I.S. Ritchii ўзгарувчан формалин-этилацетат концентрацион усулдан фойдаланилди.

Зардобли IgM, IgG, IgA, ИЛ-1 β , ИЛ-4, ИЛ-6, ИЛ-10, ИФН- γ , ФНО- α каттиқ фазали иммунофермент таҳлил (ИФТ) усули билан (тест тизими ЗАО Вектор-Бест (Новосибирск) тест тизими тўплами) аниқланди, умумий зардобли IgE (набор HUMAN, Германия) ва 25 (ОН) Д витамини (DiaSource, Бельгия) мос келувчи реагентлар тўпламидан фойдаланиб, ИФТ усули билан аниқланди.

Бармоқлар изи методи тери юзасидаги бактерия агрегацияси ёки микроколонияларни ҳисоблашга имкон беради. Агрегация дисперсияси бўлиб ўтаётганда, кейинчалик эса эланаётганда ҳисоб-китоб қилиш ва колонияларга тавсиф беришда озуқа суюқлигида эритилган қаттиқ юза микрофлорасидан намуна олиш усулидан фойдаланилади. Гемолиз шу (стафилококлар) билан қонли агар, Сабуро агари (замбуруғлар, жумладан, *Malassezia spp.*), қонли агардан (грамманфий бактерия) фойдаланилди, шунингдек, бактерияларнинг биокимёвий хусусияти ўрганилди.

Паразитларга қарши терапия самарадорлигининг мезонлари: ичак паразитлари элиминацияси, зардобда IgE умумий даражасининг меъёрлашиши ва даволашга клиник жавоби (гипопигментация худудининг тўлиқ йўқолиши; жадаллашишининг пасайиши, гипопигментация худудининг ҳажми ва/ёки миқдори; гипопигментация худудида кўзга кўринадиган ўзгаришларнинг йўқлиги; даволаш курси туганидан кейин 2 ва 6 ой ўтгач гипопигментация жойининг ҳажми ва/ёки миқдорининг катталашини) бўлган.

Маълумотларни статистик қайта ишлаш Pentium-IV персонал компьютерда Microsoft Office Excel-2007 дастурий пакет ёрдамида амалга

оширилди, унда ўрнатилган йиғиш функцияларидан фойдаланилди. Ўртача ўрганилаётган арифметик (M) кўрсаткичи, ўртача квадрат оғиш (σ), стандарт хато (m), нисбий ҳажм (% даража) ҳисоби билан вариацион қаторлар тизитми усулидан фойдаланилди. (P) хатолар эҳтимолини ҳисоблаш билан Стъюдент (t) мезони бўйича ўртача ҳажмни таққослашдан олинган ўзгаришларнинг статистик аҳамияти аниқланди. Статистикада сезиларли ўзгаришлар учун $P < 0,05$ ишончлилик даражаси қабул қилинди.

Учинчи бобда «Тери дисхромияси бўлган беморларда патоген паразитлар ва протистофаунанинг тузилиши» патоген паразитларни протистофауна тузилишига ва унинг компонентларига таъсири урганиш натижалари баён қилинган.

1-жадвалдан кўринадики, назорат гуруҳига кирувчи шахслар ва РА беморларида паразитлар бўйича тафовут аниқланмади, бироқ *A. lumbricoides*, *E. vermicularis*, *H. nana* ва *G. lamblia* билан юқиш назорат гуруҳидагиларга нисбатан РА беморларида ишончли даражада юқори бўлган 108 (80,0%) и 32 (32%), OR: 3,1875; CI: 1,19041-5,336; $P < 0,001$) (1-жадвалга қаранг).

Қиёслаш гуруҳларида ичак паразитлари билан умумий инфекцияланиш паст: витилиго ташхисланган беморларда паразитлардан умумий инфекцияланиш (33,3%), Pityriasis versicolor кузатилган беморларда - 5 (25,0%), ҳар иккала ҳолатда $P > 0,05$ тенг кузатилди

1-жадвал

Pityriasis alba билан хасталанган беморларда ичак паразитлари таҳлил натижалари

Текширилган гуруҳлар		РА беморлар (n=180)		Витилиголи беморлар (n=30)		P. Versicolor беморлар (n=20)		Назорат гуруҳ (n=100)	
		abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
Патоген паразитлар билан хасталанган сон (M%)	<i>A. lumbricoides</i>	2	1,1	0	0,0	0	0,0	2	2,0
	<i>E. vermicularis</i>	33	18,3	4	13,3	3	15,0	14	14,0
	<i>H. nana</i>	20	11,1*	1	3,3	1	5,0	4	4,0
	<i>G. lamblia</i>	39	21,7*	5	16,7	3	15,0	12	12,0
	<i>G. lamblia + E. vermicularis</i>	14	7,8	0	0,0	0	0,0	0	0,0

Изоҳ: *- назорат гуруҳидаги беморларнинг кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (* - $P < 0,05$, ** $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$)

Витилиго ва PV, РА беморларида кузатилган етказишнинг контактли механизми билан *G.lamblia* ва *E. vermicularis* микст-паразитозлар учрамади. Бундай бирикма аввало, бемор ва уни ўраб турган атроф муҳити гигиена даражасининг пастлигини кўрсатади.

Ичак протистофаунасининг тузилишини ўрганиш катта қизиқиш уйғотди, у етарлича тўлиқ ўрганилмаган, таркибий қисмларининг мумкин бўлган патогенлиги тўғрисида аниқ фикр йўқ. РА беморларида протистофаунларни тавсифловчи ишлар йўқ. 2-жадвалда қиёсий ва назорат гуруҳларидаги РА беморларида протистофаунларни аниқлаш бўйича маълумотлар келтирилган.

2-жадвал

***Pityriasis alba* беморларида *Blastocystis spp.* ва *E. dispar*, вителиго ҳамда *P.versicolor* билан зарарланиш таҳлил натижалари (M±m)**

Текширилган гуруҳ			РА беморлари (n=100)	Вителиго беморлари (n=30)	PV беморлари (n=20)	Назорат (n=100)	
<i>Blastocystis spp.</i>	Содда жониворлар билан зарарланган жами беморлар	m/p	30	4	2	18	
		%	30,0*	13,3^	10,0^	18,0	
	Кўриш майдонидаги содда жониворлар миқдори	1-2	abs	22	3	2	13
			%	73,3	75,0	100*^	77,2
		3-4	abs	4	1	0	5
			%	13,3	25,0	0	27,8
		5-6	abs	4	0	0	0
			%	13,3	0	0	0
<i>E. dispar</i>	Содда жониворлар юккан жами беморлар	abs	2	0	0	1	
		%	2,0	0	0	1,0	
	Кўриш майдонидаги содда жониворлар миқдори	1-2	abs	2	0	0	1
			%	100	0	0	100
		3-4	abs	0	0	0	0
			%	0	0	0	0
		5-6	abs	0	0	0	0
			%	0	0	0	0

Изоҳ: *- назорат гуруҳидаги беморларнинг кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (* - P<0,05, ** P<0,01, *** - P<0,001); ^- РА гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (^ - P<0,05, ^^ P<0,01, ^^ - P<0,001)

Паразитларга қарши терапия тугаганидан кейин 6 ҳафта ўтгач максимал самара кузатилди. 6 ҳафта ўтгач олинган натижалар кейинги 3 ой мобайнидаги кузатувларда турғун характерда бўлган.

Кейинги босқич паразит турида паразитларга қарши терапиянинг ижобий самараси ассоциациясини аниқлаш ҳисобланади. Вителиго ва *P. Versicolor* кузатилган беморларда паразитларга қарши терапия барча ҳолатда

паразитлар элиминациясига олиб келди, аммо асосий касалликнинг кечишига таъсир кўрсатмади.

Ичак протистофаунасининг тузилишини ўрганиш катта қизиқиш уйғотди, у етарлича тўлиқ ўрганилмаган, таркибий қисмларининг мумкин бўлган патогенлиги тўғрисида аниқ фикр йўқ. РА беморларида протистофаунларни тавсифловчи ишлар йўқ. 2 ва 3-жадвалларда қиёсий ва назорат гуруҳларидаги РА беморларида протистофаунларни аниқлаш бўйича маълумотлар келтирилган. Паразитларга қарши терапия тугагандан кейин 6 ҳафта ўтгач максимал самара кузатилди. 6 ҳафта ўтгач олинган натижалар кейинги 3 ой мобайнидаги кузатувларда турғун характерда бўлган.

Кейинги босқич паразит турида паразитларга қарши терапиянинг ижобий самараси ассоциациясини аниқлаш ҳисобланади. Натижалар 3-жадвалда берилган.

3-жадвал

Pityriasis alba ли беморларнинг витилиго и **P.versicolor** беморларнинг **J. butschlii** и **E. Nana** зарарланиш

Текширилганлр гуруҳи		РА беморлари (n=100)	Витилиго беморлари (n=30)	P. versicolor беморлари (n=20)	Назорат (n=100)	
<i>J. butschlii</i>	Содда жониворлар билан зарарланган жами беморлар	9	5	3	6	
		9,0	16,67	15,0	6,0	
	Кўриш майдонидаги содда жониворлар миқдори	1-2	6	4	2	12
			66,67*	80,0*	66,67*	100,0
		3-4	3	1	1	0
			33,33**	20,0	33,3	0,0
5-6	0	0	0	0		
	0,0	0,0	0,0	0,0		
<i>E. nana</i>	Содда жониворлар билан зарарланган жами беморлар	5	2	7	3	
		5,0	6,6	7,0	3,0	
	Кўриш майдонидаги содда жониворлар миқдори	1-2	5	2	7	3
			100,0	100,0	100,0	100,0
		3-4	0	0	0	0
			0,0	0,0	0,0	0,0
5-6	0	0	0	0		
	0,0	0,0	0,0	0,0		

Изоҳ: *- назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (* - P<0,05; ** - P<0,01; P<0,001)

Pityriasis alba кечишида *Blastocystis sp.* элиминациясининг таъсири ҳақидаги маълумотлар алоҳида келтирилади, чунки расман бу қўзғатувчи оддий патогенлар сонига кирмайди. Ўртача ва юқори интенсивликдаги инфекция кузатилган мос тарзда 12 ва 18 нафар бемор сараланиб олинди (3-жадв). Кейинги босқич паразит турида паразитларга қарши терапиянинг ижобий самараси ассоциациясини аниқлаш ҳисобланади.

Pityriasis alba кечишида *Blastocystis sp.* элиминациясининг таъсири хақидаги маълумотлар алоҳида келтирилади, чунки расман бу кўзгатувчи оддий патогенлар турига кирмайди. Ўртача ва юқори интенсивликдаги инфекция кузатилган мос тарзда 12 ва 18 нафар бемор сараланиб олинди.

Антибластицист терапия курсидан кейин 2 ҳафта ўтгач 72,3% беморда ижобий кўрсаткичга эга бўлган, 6 ой ўтгач бу кўрсаткич 60,0% ни ташкил қилган, кейинчалик у турғун ҳолда қолган (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Паразит турига боғлиқ ҳолда РА беморларида паразитларга қарши даволашнинг клиник натижалари

Клиник натижалар		Гипопигментция майдонларини тўлиқ йўқолиши (УГ)	Жадаллиги, ўлчамларини /ёки УГ сонини камайиши	Кўринадиган ўзгаришларни мавжуд эмаслиги	УГнинг ўлчамлари ва/ёки миқдорини ортиши	
Паразитли РА беморларин сонини (n/%)	H. nana (n=20)	м/р	13	7	0	0
		%	65,0	35,0	0	0,0
	E. vermicularis (n=33)	м/р	11	0	11	11
		%	33,3	0,0	33,3	33,3
	A. lumbricoides (n=2)	м/р.	0	0	2	0
		%	0,0	0,0	100,0***	0,0
	G. lamblia (n=39)	м/р	19	15	5	0
		%	48,7	38,4	12,8***	0,0
	G. lamblia+ E. vermicularis (n=14)	м/р.	0	0	9	5
		%	0,0	0,0	64,3	35,7

Изоҳ: *- назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан гипопигментация жойини кетиши (* - P<0,05; ** - P<0,01; P<0,001)

Витилиго ва *P. Versicolor* беморларининг патоген паразитлар билан умумий касалланишида, шунингдек ичак протистофаунлари тузилиши ва паразитлар таркибида ишончли силжишларнинг йўқлиги бу касалликлар этиопатогенезида протистофаунлар ҳамда паразитларнинг ўрни турлича эканлигини кўрсатади. Антибластицист терапия *Pityriasis alba* кечишида ижобий самара кўрсатади. Натижада паразитларга қарши терапиянинг *Pityriasis alba* кечишига ижобий таъсирида паст частотали ножўя самарага эга препаратлар ва анъанавий паразитологик диагностикада турланувчи усулнинг қўлланиши *Pityriasis alba* этиопатогенези ва кузатилаётган

терапевтик самара асосида ётувчи механизмлар идентификацияси учун асосни яратади.

Диссертациянинг «**Pityriasis alba патогенезининг иммунологик жиҳатлари**» деб номланган тўртинчи бобида М, G, A, E иммуноглобулин синфлари, ИЛ-4, ИЛ-6, ФНО- α , ИНФ- γ ва ИЛ-1 β цитокинлар, шунингдек, зардобли 25(ОН) Д витамини даражасини аниқлашни ҳам ўз ичига олувчи ҳамроҳ ичак паразитлари билан ва уларсиз тери дисхромияси кузатилган беморларнинг иммунологик текширув натижалари курсатилган.

Назорат гуруҳидаги одамлар ва Pityriasis alba беморларида умумий зардобли IgE миқдори бўйича маълумотлар ичак паразитларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига боғлиқлиги берилган. Аниқланган кўрсаткичлар, умумий IgE даражаси ичак паразитларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ бўлмай назорат гуруҳига нисбатан Pityriasis alba беморларида ишончли юқори бўлган. Назорат гуруҳида умумий IgE 301- \geq 601 ХБ/мл диапазонларда умуман аниқланмади. Бу маълумотлар РА беморларида аллергик негизининг мавжудлиги, паразитлардан инфекцияланган беморларда даражанинг юқорилиги ҳақида маълумот беради.

5-жадвал


Pityriasis alba билан хасталанган беморлар ва назорат гуруҳидаги яллиғланиш олди (ИЛ-1, ИЛ-6, ФНО- α , ИНФ- γ) ва яллиғланишга қарши цитокинлар (ИЛ-4, ИЛ-10) .

кўрсаткичлар	НГ		Pityriasis alba		Витилиго		Pityriasis versicolor	
	ИП билан (n=32)	ИПсиз (n=68)	ИП билан (n=108)	ИПсиз (n=72)	ИП билан (n=10)	ИПсиз (n=20)	ИП билан (n=5)	ИПсиз (n=15)
ИЛ-6	28,0 \pm 2,3	24,1 \pm 0,8	52,3 \pm 0,4 ^{***}	42,1 \pm 2,2 ^{***}	92,1 \pm 4,0 ^{***}	68,4 \pm 6,3 ^{***} ^^	33,6 \pm 7,9	27,5 \pm 5,3
ФНО- α	7,8 \pm 0,9	4,4 \pm 0,6	18,7 \pm 4,1 ^{**}	10,4 \pm 2,4 [*]	29,3 \pm 4,3 ^{***}	12,3 \pm 1,9 ^{***} ^^	6,9 \pm 1,1	5,0 \pm 0,3
ИЛ-1 β	9,1 \pm 0,7	7,9 \pm 0,4	16,7 \pm 1,2 ^{***}	13,3 \pm 1,7 ^{**}	24,4 \pm 1,3 ^{***}	18,1 \pm 0,9 ^{***} ^^	10,2 \pm 1,2	8,3 \pm 0,8
ИНФ- γ	35,8 \pm 4,1	39,7 \pm 5,3	44,8 \pm 6,7	30,4 \pm 4,2	87,7 \pm 8,6 ^{***}	48,1 \pm 6,9 ^{***} ^^	22,5 \pm 1,1	17,9 \pm 0,7
ИЛ-4	2,2 \pm 0,6	1,7 \pm 0,4	5,5 \pm 0,5 ^{***}	2,1 \pm 0,3 ^{^^}	7,0 \pm 0,8 ^{***}	6,4 \pm 1,3 [*]	2,7 \pm 0,5	1,9 \pm 0,2
ИЛ-10	11,7 \pm 3,1	10,9 \pm 1,8	13,1 \pm 1,4	11,9 \pm 2,1	14,7 \pm 2,2	12,9 \pm 2,7	10,5 \pm 0,4	11,2 \pm 0,9

Изоҳ: *- назорат гуруҳидаги беморларнинг кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (* - P<0,05, ** P<0,01, *** - P<0,001); ^- РА гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (^ - P<0,05, ^^ P<0,01, ^^ - P<0,001)

5-жадвалда берилган яллиғланиш (ИЛ-1 β , ИЛ-6, ФНО- α , ИНФ- γ) ва яллиғланишга қарши цитокинлар (ИЛ-4, ИЛ-10) даражаси бўйича маълумотлар Pityriasis alba, витилиго, PV беморлари ва назорат гуруҳидаги кишиларда ичак паразитларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ. Pityriasis alba беморларида (47,2 \pm 1,3 пг/мл) ИЛ-6 даражаси назорат гуруҳига (26,0 \pm 1,5 пг/мл) (P \leq 0,001) нисбатан 1,8 марта ва витилигога чалинган беморларда (80,2 \pm 5,1 пг/мл) 3,0 марта юқори. PV беморларида (30,5 \pm 6,6 пг/мл) назорат гуруҳига (26,0 \pm 1,5 пг/мл) (P \geq 0,05) нисбатан ишончли фарқ аниқланмади. Барча ҳолатларда ИЛ-6 даражаси ичак

паразитлари аниқланган беморларда ичак паразитларисиз беморларга нисбатан юқори бўлган. Бундай қонуният ФНО-α учун хосдир. ФНО-α даражаси назорат гуруҳига нисбатан ($6,1 \pm 0,7$ пг/мл) РА беморларида ($14,55 \pm 3,2$ пг/мл) ва витилиго аниқланган беморларда ($20,8 \pm 3,1$ пг/мл) 2,4 ва 3,4 марта юқори бўлган ($P \leq 0,001$). PV беморларида ФНО-α даражасининг ошишга мойиллиги аниқланди. ИЛ-1β, ИНФ-γ ва ИЛ-4 даражалари витилиго беморларида ($21,2 \pm 1,1$, $67,9 \pm 7,7$ ва $6,2 \pm 1,0$ пг/мл,) назорат гуруҳига нисбатан ($8,5 \pm 0,5$, $37,7 \pm 4,7$ ва $1,95 \pm 0,5$ пг/мл,) сезиларли ошган. Бу цитокинларнинг (ИЛ-1β, ИНФ-γ ва ИЛ-4) сезиларли ошиши назорат гуруҳи билан таққосланганда РА ва ичак паразитлари кузатилмаган беморларда аниқланди, бироқ натижа ишончли эмас эди. Яллиғланишга қарши цитокин ИЛ-10 даражаси бир гуруҳ беморларда назорат гуруҳига нисбатан ишончли юқори бўлмаган, гарчи барча гуруҳларда кўтарилишга мойиллик бўлганда ҳам.



Изоҳ: *- назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (* - $P < 0,05$, ** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$)

1-расм. Pityriasis alba билан хасталанган беморлар ва назорат гуруҳидаги (паразитлар билан ва паразитларсиз) яллиғланишга қарши цитокинлар (ИЛ-4, ИЛ-10)

Яллиғланишга хос- (ИЛ-6, ИЛ-1β) ва яллиғланишга қарши (ИЛ-4, ИЛ-10) цитокинлар даражаси PV беморларида назорат гуруҳи диапазонида бўлган. Айрим ҳолатларда цитокинлар даражаси (ИНФ-γ и ФНО-α) назорат гуруҳига ($37,7 \pm 4,7$ и $6,1 \pm 0,7$ пг/мл) нисбатан PV беморларида ($20,2 \pm 0,9$ и $5,9 \pm 0,7$ пг/мл) паст бўлган.

Диссертациянинг «Pityriasis alba беморларида Д витамини етишмовчилигини баҳолаш натижалари» деб номланган бешинчи бобида тери димхромияси патогенезида Д витаминининг ўрнини ва касаллик кечишида унинг танқислигини бартараф этишга ижобий таъсирини баҳолаш

бўйича натижалар кўрсатилган. РА беморларида Д витамини даражасини аниқлаш натижалари 6-жадвалда берилган.

Pityriasis alba беморлари ва назорат гуруҳида Д витамини танқислиги/етишмовчилиги устунлик қилди, меъёрда 6,7% ва 10,0% бўлиши керак. Текширилаётган гуруҳларда Д витамини даражаларида ишончли тафовут аниқланмади.

Аҳолидаги Д витамини танқислиги/етишмовчилигининг юқори даражаси иқлим шароитлари бўйича Ўзбекистонга яқин, қуёшли кунлари кўп бўлган давлатлардан (Эрон, Бирлашган араб амирлиги ва бошқ.) олинган маълумотларга мос келади (6-жадвалга қаранг).

6-жадвал

Pityriasis albали беморларда Д витаминнинг даражаси

Д витамин даражаси (нг/мл)	Д витамин турли даражасидаги беморлар, (%)			
	РА беморлар (n=180)		Назорат гуруҳ (n=100)	
	м/р	%	м/р	%
меъёрий - 30-150	12	6,7	10	10,0
енгил етишмаслиги- 21-29	150	83,3	85	85,0
танқислик - ≤20	18	10,0*	5	5,0

Изоҳ: * - назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001)

